

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 10
OCTOBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 10 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-10>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А.

– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Ходжаметова Гулчира Илишевна

– тарих фанлари номзоди, профессор

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мамадияров Дилшод Уралович

– иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Тўраев Шавкат Нишоневич

– фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бердиева Гулмира Аминовна

– тарих фанлари номзоди

Содиржонов Мухриддин Махамадаминович

– социология ф.б.ф.д (PhD)

Гаипов Жасур Бахром ўғли

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)

Сохибова Лола Жонибоевна

– фалсафа ф.б.ф.д (PhD)

Шарипов Дилшод Бахшиллович

– сиёсатшунос, эксперт

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ФАХРИДИНОВ Зафаржон Фахридин ўғли

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

давлат бошқарув академияси

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10052431>

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ, ҲУҚУҚИЙ ҲАМДА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада давлат харидларининг келиб чиқиши, иқтисодий муносабатларда намоён бўлиши, давлат харидлари бўйича хорижий ва маҳаллий олим ва мутахассисларнинг қарашлари ҳамда давлат харидларининг замонавий иқтисодиётдаги моҳияти ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари ёритилган. Шунингдек, давлат харидларини ташкиллаштириш принциплари жумладан, халқаро ташкилотларнинг самарали давлат харидларини ташкил этиш борасидаги тавсиялари қайд этилган.

Калит сўзлар: давлат харидлари, харид қилиш тартиб-таомиллари, давлат харидлари бўйича назарий қарашлар, давлат харидларининг ҳуқуқий асослари, давлат харидлари тамойиллари, харид предмети, самарали давлат харидлари тизими, давлат харидларини ташкил этиш.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВОЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается зарождение государственных закупок, их проявление в экономических отношениях, взгляды зарубежных и отечественных ученых и специалистов на государственные закупки, сущность и значение государственных закупок в современной экономике, правовые основы. Также отмечены принципы организации государственных закупок, в том числе рекомендации международных организаций по организации эффективных государственных закупок.

Ключевые слова: государственные закупки, процедуры закупок, теоретические взгляды на государственные закупки, правовая основа государственных закупок, принципы государственных закупок, предмет закупок, эффективная система государственных закупок, организация государственных закупок.

ORGANIZATIONAL-LEGAL AND THEORETICAL BASIS OF PUBLIC PROCUREMENT

ANNOTATION

This article describes the origins of public procurement, their manifestation in economic relations, the views of foreign and domestic scientists and specialists on public procurement, the essence and significance of public procurement in the modern economy, and the legal framework. The principles of organizing public procurement are also noted, including recommendations from international organizations on organizing effective public procurement.

Kew words: public procurement, procurement procedures, theoretical views on public procurement, legal basis of public procurement, principles of public procurement, subject of procurement, effective public procurement system, organization of public procurement.

Инсониятнинг ривожланиши, уларда давлатчилик тузумининг шаклланиши билан бир қаторда мазкур тузилманинг фаолият юритиши учун зарур эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Бундай эҳтиёжлар турли даврларда турлича усуллар ёрдамида қондирилган бўлиб, уларнинг асосий манбаси давлатнинг ғазнаси ҳисобланган. Давлатларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шартлардан бири сифатида зарур товарлар ва хизматларни (ишлар) сифатли ва қулай нархларда қондирилиши ҳисобланган.

Иқтисодчи олим А. Смитнинг назарияларида давлат молиявий фаолиятига алоҳида аҳамият берилган. Смит ўз асарининг бешинчи, охирги китобини давлат бюджети ва давлат қарзларига бағишлаган. У фақат бутун жамият манфаатларига мос келадиган давлат харажатларинигина қўллаб қувватлади [1].

Бугунги кунга келиб давлатнинг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қопланиши давлат харидлари сифатида намоён бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти, шунингдек бюджет таркибида ўз ўрнига эга.

Давлат бюджети давлатнинг марказлаштирилган пул маблағлари бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушадиган тушумлар, шунингдек харажат ҳажми ва йўналиши ўз аксини топади. Давлат харажатларининг ажралмас таркибий қисми сифатида давлат харидлари муҳим аҳамиятга эга ҳамда у давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Давлат хариди тушунчасининг иқтисодий моҳияти юзасидан иқтисодчи олимларнинг турлича қарашлари ва талқинлари мавжуд. Жумладан, иқтисодчи олим У.Бурханов томонидан давлат харидлари тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

Давлат хариди - бу давлат эҳтиёжлари учун товарлар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишдир [2].

Г.Қосимова томонидан ҳам давлат харидлари бўйича изланишлар олиб борилиб, қуйидаги хулосалар шакллантирилган [3].

Биринчидан, давлат хариди ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда давлат хариди ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда энг катта аҳамиятга эга бўлган давлат сектори ишлаши учун зарур бўлган товарлар, хизматлар ва ишлар билан ўз вақтида таъминлаб туради.

Иккинчидан, Давлат бюджети харажатларининг катта қисмини ташкил этувчи давлат хариди унинг барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат хариди миқдорини энг мақбул даражада сақлаб туриш учун уларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш ўта муҳимдир.

Учинчидан, давлат хариди давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишда фойдаланиладиган кучли восита.

Маҳаллий иқтисодчи олим У.Ўроқов томонидан давлат харидларига давлат буюртмачиларининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) ни белгиланган талаблар ва тартиб-таомиллар асосида сотиб олиш жараёни деб таъриф берилган [4].

Ёш иқтисодчи С.Турабов томонидан ўзининг илмий изланишларида “давлат хариди кенг тушунча эканлиги, унга давлатнинг функциялари бажарилишини таъминлаш мақсадида қонун асосида белгиланган тартибда товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш юзасидан давлат ва пудратчи ўртасида амалга ошириладиган молиявий муносабатлар тизими” дея эътироф этилган [5].

Шунингдек амалиётчи-иқтисодчи Т.Атамуродовнинг фикрига кўра “давлат эҳтиёжлари учун товар (иш, хизмат)ларни харид қилишни режалаштириш, электрон савдоларда рақобат муҳити шаффофлигини таъминлаган ҳолда амалга ошириш жараёни давлат хариди тизимини юзага келтиради [6].

Хорижий иқтисодчи олим А.Барихин фикрига кўра харид бу мамлакат ташқариси ёки ичкарасидан товарларни йирик ҳажмда сотиб олиш бўлиб, давлат органлари томонидан амалга ошириладиган харид эса давлат хариди ҳисобланиши баён қилинган [7].

Бундан ташқари, Н.Нестерович ва В.Смирновлар томонидан давлат хариди тушунчаси давлат буюртмачилари томонидан товар, иш хизматларни тегишли бюджет ва жамғармалар маблағлари ҳисобидан сотиб олиш сифатида изоҳланган [8].

Хитойлик изланувчилар Саеед Сиял ва Чунлин Хин томонидан Давлат харидларига ҳукуматнинг сиёсат мақсадларини амалга ошириш ва маҳсулот, хизматлар ва ишларни самарали ва тежамкор тарзда сотиб олиш воситаси сифатида таъриф берилган. Улар томонидан баъзи тўсиқларга қарамай, давлат харидларининг маълум тамойиллари (пул қиймати, этика, рақобат, шаффофлик ва масъулият) мавжуд бўлиб, улар ҳеч қандай тўсиқсиз ва ҳолисона риоя қилишни осонлаштириши, ривожланган давлатларда давлат харидлари сиёсати яхши татбиқ этилиши, ривожланаётган давлатлар ҳали ҳам тўғри амалга оширишга ҳаракат қилинаётганлиги баён этилган [9].

Қонунчилик ҳужжатларига назар соладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни 3-моддасида давлат харидлари тушунчасига давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни сифатида таъриф берилган.

Россия Федерациясининг “Давлат ва коммунал эҳтиёжларни қондириш учун товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш соҳасида шартнома тизими тўғрисида”ги Федерал Қонунига кўра давлат ёки коммунал эҳтиёжларни қондириш учун товарлар, ишлар, хизматлар сотиб олиш – буюртмачи томонидан ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга ошириладиган ва давлат ёки шаҳар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуи бўлиб, харид етказиб берувчини (пудратчи, ижрочи) аниқлашдан бошланиши ҳамда шартнома тарафларининг мажбуриятларини бажариши билан якунланиши белгиланган [10].

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ҳам давлат харидлари бўйича тавсияларида давлат харидларига қуйидагича таъриф берилган:

Давлат харидлари бу нима талаб этилаётганлигини аниқлаш жараёни бўлиб, талаб этилаётган товарларни етказиб берувчисини (жисмоний шахс ёки ташкилот) аниқлаш, шунингдек, талаб қилинадиган товарларни энг яхши нархда шаффоф етказиб берилишини таъминлашдир [11].

Бундан ташқари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан Давлат харидлари деганда ҳукуматлар ва давлат корхоналари томонидан товарлар, хизматлар ва ишларни сотиб олиш тушунилиши баён этилган. Давлат харидлари солиқ тўловчилар пулларининг катта қисмини ташкил қилганлиги сабабли, ҳукуматлар хизматлар кўрсатишнинг юқори сифатини таъминлаш ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун уни самарали ва юқори хулқ-атвор стандартлари билан амалга ошириши лозим [12].

Европа Иттифоқининг ягона бозор ва стандартлар рукнида давлат харидлари деганда давлат органлари, масалан, давлат идоралари ёки маҳаллий ҳокимият органлари компаниялардан иш, товарлар ёки хизматлар сотиб олиш жараёни тушунилиши баён этилиб, нима учун давлат харидларининг муҳимлиги қуйидагилар билан изоҳланган:

– ҳар йили Европа Иттифоқидаги 250 000 дан ортиқ давлат органлари хизматлар, ишлар ва материалларни сотиб олишга ЯИМнинг 14 фоизини (йилига тахминан 2 триллион евро) сарфлайди. Энергетика, транспорт, чиқиндиларни бошқариш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш ёки таълим хизматларини кўрсатиш каби кўплаб соҳаларда давлат органлари асосий харидорлардир;


– давлат сектори харидлардан иш ўринлари, ўсиш ва инвестицияларни кўпайтириш ҳамда инновацион, ресурслар ва энергия тежамкор ҳамда ижтимоий жиҳатдан қамраб олувчи иқтисодиётни яратиш учун фойдаланиши мумкин. Давлат хизматларининг юқори сифати замонавий, яхши бошқариладиган ва самарали харидларга боғлиқ;

– энг муҳими, давлат харидларини такомиллаштириш катта тежаш имконини беради: самарадорликнинг 1 фоизга ошиши ҳам йилига 20 миллиард евроли тежаш имконини беради [13].

Бизнингча, давлат харидлари тушунчасига қуйидагича таъриф берилиши унинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ ёритиб беради. *Давлат харидлари* давлат буюртмачиларининг эҳтиёжларини қоплаш мақсадида қонунчиликда белгиланган харид қилиш тартиб-таомиллари асосида товар (иш, хизмат)ларни рақобатга асосланган ҳолда харид қилиш жараёни.

Бугунги кунда давлат харидлари давлат бюджети маблағлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу жараёнда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш асосий талаблардан бири ҳисобланиб, шу билан бирга давлат манфаатларида билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларини манфаатларини ҳам инобатга олиш ҳам самарали харид тизимини яратишнинг асосий шarti ҳисобланади.

Самарали давлат харидлари тизимини ташкил этилиши унинг Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни 5 - моддасида қайд этилган асосий принципларини давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида қўлланилиши билан боғлиқ бўлиб, қуйида мазкур принципларни кўришимиз мумкин.



1-расм. Давлат харидларининг асосий принциплари

Давлат харидлари жараёнининг юқоридаги принциплар асосида ташкиллаштирилиши давлат буюртмачилари учун сифатли ва маъқул нархларда товар (иш, хизмат)лар билан таъминланишига, Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларига эса қулай харид муҳитини шакллантиришга замин яратади.

Шунингдек, Ноттингхам университети профессорлари Арровсмиз ва бошқалар томонидан тизим асосида давлат харидларининг саккизта асосий мақсадини бир-биридан аҳамиятига кўра фарқладилар:

- ✓ зарур товарлар, ишлар ва хизматларни олиш самарадорлиги;
- ✓ ҳалоллик – коррупция ва тўқнашувлардан ҳолилик;
- ✓ харидлар нуқтаи назаридан саноат, ижтимоий ва атроф-муҳит билан боғлиқ вазифаларни самарали бажариш;
- ✓ оммавий бозорларни байналмилаллаштириш;
- ✓ давлат харидлари жараёнини янада самарали ва яна самарали қилиш;
- ✓ тенг имкониятларни таъминлаш;
- ✓ етказиб берувчилар учун адолатли муомала;
- ✓ провайдерларнинг оқилона хулқ-атвори [14].

Давлат харидларини ташкиллаштиришни ҳуқуқий томондан тартибга солиш борасида мамлакатимизда 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. Улардан 1 таси Қонун, 8 та Президент қарори, 20 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 30 дан ортиқ идоравий норматив ҳужжатлар ҳиссасига тўғри келади.

Давлат харидлари соҳасини тартибга солишнинг бош ҳуқуқий ҳужжати 2021 йил 22 апрелда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни бўлиб, мазкур қонун 12 та боб, 85 та моддадан иборат.

Ушбу қонун асосида бир қатор қонуности ҳужжатлар қабул қилиб, давлат харидлари соҳасини ҳар томонлама тартибга солиш, давлат буюрмачилари ва иштирокчи тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш учун хизмат қилади.

Давлат харидлари муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар қуйидагилар:

– Бирлашган миллатлар ташкилотининг халқаро савдо бўйича Комиссиясининг (ЮНСИТРАЛЛ) 1994 йил 27-сессиясида қабул қилинган оммавий харидлар бўйича намунавий «Товарлар ва хизматларни сотиб олиш тўғрисида»ги Қонуни;

– Халқаро савдо ташкилоти томонидан 1994-йилда кўп томонлама савдо музокараларининг Уруғвай раундида қабул қилинган Ҳукумат хариди бўйича Келишув;

– Жаҳон банкининг “Жаҳон тикланиш ва тараққиёти банкининг қарзлари ва Жаҳон ривожланиш ассоциацияси кредитлари ҳисобига харид йўриқномаси”;

– Жаҳон банкининг намунавий тендер ҳужжатлари;

– Осиё тараққиёт банкининг “Осиё тараққиёт банки ва унинг қарздорлари томонидан маслаҳатчиларни таклиф этиш бўйича йўриқнома”;

– Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан молиялаштириладиган харид лойиҳалари учун қоида ва принциплар ҳужжати;

– Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг давлат харидлари бўйича тавсиялари ва бошқалар [15].


Ушбу халқаро ҳужжатлар давлат ва оммавий харидларни амалга ошириш бўйича халқаро қоидалардан таркиб топган бўлиб, харидларни тўғри ва самарали ташкиллаштириш учун тамойиллар ва талаблар акс эттирилган.

Мамлакатимизда, давлат харидларини ташкил этиш жараёнлари ташкил этиш тўртта босқичда амалга оширилади:

- давлат харидларини режалаштириш;
- харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;
- шартномани тузиш ва бажариш;
- давлат харидлари мониторинги.

Давлат харидларини ташкилий асослари давлат буюртмачисининг харидларни ташкиллаштириш мақсадида режаси асосида қонунчиликда белгиланган харид қилишнинг тартиб таомилларига кўра ўтказилиб, натижасига кўра ғолиб деб топилган ижрочи билан шартнома тузиш ва товар (иш, хизмат)ларни етказиб бериш ҳамда ваколатни идоралар томонидан мазкур жараёнларни мониторинг қилиниши ўз таркибига олади.

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунга асосан қуйидагилардан иборат:



2-расм. Харид вилиш тартиб-таомиллари турлари

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон Қарори билан ҳадли келишув тартиб таомили ҳам киритилган бўлиб, ушбу тартибдан фақат корпоратив буюртмачилар фойдаланиб, Бюджет буюртмачиси ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошира олмайди.

(Изоҳ: Қонунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари ёрдамида ҳам харидлар амалга оширилиши мумкин)

Давлат буюртмачиси томонидан харид объектининг суммаси ва тури (товар, иш ёки хизмат) га кўра харид қилишнинг тартиб-таомили танланиб, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон Қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосида харид ишлари ташкиллаштирилади. Давлат буюртмачилари томонидан харид ишларини амалга ошириш, уларни шаффоф ва ҳалол ўтказишга масъул бўлган харид комиссияси тузилиб, ушбу тузилма харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида давлат буюртмачиси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиял орган ҳисобланади.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича ҳолис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қилиниб, мазкур қарорлар давлат буюртмачиси ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурий ҳисобланади. Давлат харидларига оид қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ваколатли орган ёки суд томонидан харид комиссиясининг қарори бекор қилиниши мумкин.

Харид жараёнларини тартибга солиш, ёхуд давлат буюртмачиларининг эҳтиёжларини самарали таъминлаш ва маблағларнинг мақсадли йўналтириш бюджет-солиқ сиёсатининг бош мақсадларидан бири бўлган бир вақтда, давлат харидини бошқаришнинг самарали ва шаффоф бўлган механизмлари мавжуд бўлган шароитда, яъни харидни оқилона режалаштириш ва унинг иқтисодиётга таъсирини тўғри баҳолаш орқали ушбу мақсадга эришишимиз мумкин.

Харид жараёнларини самарали ташкиллаштириш борасида хорижий олимлар томонидан ҳам тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, жумладан, иқтисодчи Н.Дмитри ўзининг давлат харидларига бағишланган тадқиқотларида давлат харидларини амалга оширишда бюджет харажатларини минималлаштириш орқали давлат эҳтиёжи учун зарур бўлган харидларни мувофиқлаштириш, шартнома тузиш жараёнида тенг рақобат муҳитини яратиш, ошкораликни таъминлаш, ҳаққоний ва очиқ бизнесни қўллаб-қувватлаш, давлат буюртмаларини қабул қилишда кичик ва ўрта корхоналарга ёрдам кўрсатилиши зарур эканлигини таъкидлаган [15].

А.Захаров ўтказган тадқиқотларида харидлар предметини ҳисобга олган ҳамда шакллантирилган нархлар параметридан фойдаланган ҳолда иқтисодий жиҳатдан қулай таклифни баҳолаш йўли билан ғолибни аниқлашга имконият берувчи буюртмачилар ҳуқуқининг киритилиши, танлаш мезонлари ва баҳолаш мезонлари асосида харидлар қатнашувчиларини саралаш талабларини шакллантириш, узоқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган ёки амалдаги шартлари ўзгарадиган шартномалар бўйича нархни аниқлаш, шунингдек техник жиҳатдан мураккаб маҳсулотлар бўйича тузилган шартнома шартлари ижроси, айниқса, узоқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган шартномалар бўйича техник вазифа шартларини ўзгартириш имкониятини яратиш ва бу орқали тузилган шартнома шартлари ноҳалол ижро қилинганда буюртмачи томонидан бир тарафлама бекор қилиш имкониятини яратиш зарурлиги ҳамда ваколатли давлат органларининг назорат функцияларини аниқлаштириш каби вазифалар илгари сурилган [16].

О.Падалканинг фикрига кўра, давлат харидлари соҳасига замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали давлат эҳтиёжи учун товар (иш, хизмат)ларни харид қилишда давлат маблағларининг самарадорлиги ва харидларнинг шаффофлигини таъминлашга кўмаклашиш, харидларни амалга оширишда коррупция даражасини камайтиришга эришиш мумкин [17].

Давлат харидлари соҳасини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бораётган маҳаллий ва хорижий иқтисодчи-олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда давлат харидлари бўйича ижрочиларни танлаш жараёнида рақобат муҳитини яратиш, ошкораликни таъминлаш, ҳаққоний ва очиқ бизнесни қўллаб-қувватлаш, давлат буюртмаларини қабул қилишда тадбиркорлик субъектларига, айниқса, кичик бизнес вакилларига ёрдам кўрсатиш учун аввало сифатли ва барча жараёнларни камраб олган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, назорат қилувчи ва мувофиқлаштирувчи органлар фаолиятини, шу билан бирга жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат буюртмачилари ва етказиб берувчилар учун малакали кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизимини қайта кўриб чиқиш зарурияти вужудга келтирмоқда.

Шунингдек, давлат харидлари билан боғлиқ дастурий таъминотлар имкониятларини кенгайтириш, оптимал таклифларни танлаш ҳамда харидларга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида мутасадди давлат идоралари ҳамда очиқ ахборот манбалари ахборот базаларига интеграциясини таъминлаган ҳолда такомиллаштириш зарур бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ҳам давлат харидлари бўйича тавсиялари қабул қилинган бўлиб, ушбу тавсияларда қуйидагилар акс эттирилган [11].

I. Ҳомонлар харидлар циклининг барча босқичларида давлат харидлари тизимида шаффофликнинг тегишли даражасини таъминлаш;

II. Иштирокчилар давлат харидлари тизимида қўлланиладиган умумий қоидалар ва ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат харидлари тизимида ахлоқий меъёрларга риоя қилиши;

III. Иштирокчиларга потенциал рақобатчиларнинг корхона ҳажмидан қатъий назар, давлат харидларида иштирок этишига кўмаклашиш;

IV. Иштирокчиларнинг давлат сиёсатининг қўшимча мақсадларига эришиш учун давлат харидлари тизимидан фойдаланишга бўлган ҳар қандай уриниш асосий мақсадларга нисбатан мувозанатли бўлиши кераклигини тушуниши;

V. Асосий манфаатдор томонларнинг шаффоф ва самарали иштирокини рағбатлантириш;

VI. Давлат харидларининг бутун цикли давомида давлат ва фуқаролар эҳтиёжларини қондириш самарадорлигини ошириш жараёнларини ишлаб чиқиш;

VII. Давлат харидларининг бутун циклини қамраб олувчи электрон харидлар бўйича тегишли инновацияларни қўллаб-қувватлаш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни рағбатлантириш орқали давлат харидлари тизимини такомиллаштириш;

VIII. Давлат харидларида инсон ресурсларини, шу жумладан пулнинг мақбул қийматини доимий равишда таъминлаш учун самарали ва қулай усуллардан фойдаланиш билан боғлиқ қобилият ва малакаларни ривожлантириш;

IX. Алоҳида давлат харидлари даражасида ҳам, умуман тизимда ҳам, иложи бўлса, ҳукуматнинг барча даражаларида ҳам тизим фаолиятини кўриб чиқиш йўли билан давлат харидлари самарадорлигини яхшилашни рағбатлантириш;

X. Бутун давлат харидлари цикли давомида хавфларни аниқлаш ва камайтириш учун рискларни бошқариш стратегияларини бирлаштириш;

XI. Давлат харидларининг бутун циклида, шу жумладан тегишли апелляция ва санкциялар жараёнларида ҳисобдорлик тамойилини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун назорат ва назорат механизмларидан фойдаланиш;

XII. Давлат харидларини давлат молиясини бошқариш, бюджет сиёсати ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига интеграция қилиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат харидлари тизимининг иқтисодий моҳияти ҳамда мамлакат молия тизимидаги аҳамияти қанчалик юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Давлат харидлари тизимини бошқаришни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш учун масъул давлат органларининг барчаси бу тизимга биргаликдаги комплекс ёндошуви талаб этади.

Хулоса ўрнида, Ислоҳотларни амалга оширишда фақатгина қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, давлат хариди бўйича ваколатли орган ваколатларини кенгайтириш, турли имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш билан чегараланиб қолмасдан, балки турли хил давлат органлари ўртасида ҳамкорликда амалга ошириладиган ҳаракатни йўлга қўйиш, улар ўртасида ваколатларни тақсимлаш, давлат харидлари тизимида кучлар нисбатининг тенглигини ва ўзини-ўзи бошқарувчи мукамал механизмларни шакллантирилиши, ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, мажбурий тартиб ва қоидаларнинг ижросини бир текис амалга оширилиши айнан давлат харидлари соҳасининг самарали фаолият кўрсатишига шунингдек бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Раззоқов А. ва бошқалар “Иқтисодий таълимотлар тарихи” ўқув қўлланма. Тошкент-2005.
2. Бурханов У. Давлат хариди. Ўқув қўлланма – Тошкент, “Фан ва технологиялар”, 2012. – 7 бет.
3. Қосимова Г. Ҳазначилик тизимида давлат харидининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари. Илмий мақола, Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. 2-сон, – Тошкент, 2019.
4. Ўроқов У. Давлат хариди. Ўқув қўлланма – Тошкент, “Nihol print”, 2022. – 13 бет.
5. Турабов С. Бюджет ташкилотларининг давлат харидларини амалга оширишдаги молиявий муносабатларини такомиллаштириш йўллари. Автореферат – Тошкент, 2021.
6. Атамуродов Т. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаш-тириш. Автореферат – Тошкент, 2021.
7. Барихин А.Б. Большой юридический энциклопедический словарь. 2-е издание, перераб. и доп. Москва, “Книжный мир”, 2008.
8. Нестерович Н., Смирнов В. Конкурсные торги на закупку продукции для государственных нужд / Под ред. А.Г. Свиаренко. Москва, “ИНФРА-М”, 2000.
9. S.Siyal, C.Xin. “Public procurement” Springer, Cham 2019 йил октябрь. URL: https://www.researchgate.net/publication/341250833_Public_Procurement (24.10.2023 йилда мурожаат қилинган)
10. Россия Федерациясининг 05.04.2013 йилдаги “Давлат ва коммунал эҳтиёжларни қондириш учун товарлар, ишлар, хизматларни харид қилиш соҳасида шартнома тизими тўғрисида”ги 44-ФЗ-сон Федерал Қонуни, 3-модда.
11. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг ҳам давлат харидлари бўйича тавсиялари, 2015.
12. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти расмий веб-сайти, URL: <https://www.oecd.org/gov/public-procurement/> (20.10.2023 йилда мурожаат қилинган)
13. Европа Иттифоқининг расмий веб-сайти, URL: <https://single-market-economy.ec.europa.eu/single-market/public-procurement> (20.10.2023 йилда мурожаат қилинган)
14. Arrowsmith S, Faustino PB, Heuninckx B, Treumer S “EU public procurement law: an introduction EU Asia Inter University Network, University of Nottingham.
15. Дмитри Н. “Руководство по закупкам: учеб. Пособие”/Нац. исслед. ин-т Москва, “Высшей школы экономики”, 2013.
16. Захаров А. “Международные конкурсные торги: учебное, пособие” – Москва, “МГИМО”, 2011.
17. Падалка О. “Мировой опыт проведения государственных закупок в электронной форме” 2012.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz